Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

19 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА. № 13 (761).
Сотувда эркин нархда. 1994 йил.

КЕЧА МАМЛАКАТИМИЗ ПРЕЗИДЕНТИ ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ КОЙСТИНЕН АНТТИ ТАПИОДАН ИШОНЧ ЁРЛИҒИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СУРАТДА: ишонч ёрлиғини топшириш пайти.

С. ҚУРБОНБОЕВ тасвири.

Элчи жаноблари ишонч ёрлиғини топшира туриб, Ўзбекистон раҳбарига Финляндия Президенти Мауно Койвистонинг самимий саломини етказар экан, Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганидан мамнуният изҳор этди.

— Сизнинг юртимизга қилган сафарингиз,— деди элчи, — икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий ва дипломатик муносабатларни ривожлантиришга кенг имкониятлар яратиб берди.

Ислом Каримов Койстинен Антти Тапио жанобларини қутлаб, унинг мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришда билими ва кучини сафарбар этишига умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

ЭЛЛАР ОЛҚИШИ

Ватанимиз тарихидан фахрли ўрин олса арзигулик воқеалардан бири 16 январь куни қардош Қирғизистон пойтахти Бишкекда юз берди. Мустақил Ўзбекистон ва Қозоғистон давлатлари ўзаро битим тузиб яратган ягона иқтисодий ҳудудга Қирғизистон ҳам қўшилгани — худди уч дарё бир-бирига туташиб, улкан бир қудратга айланганини эслатади. Ягона иқтисодий ҳудуд ҳар учала мамлакат халқларининг орасига тушган божхона ғовларини олиб ташлайди. Биргина мана шу янгилик айтилганда Бишкекнинг уч минг қишилик улкан кошонасини тўлдирган одамлар қувониб қарсак чалдилар.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов уч давлат орасида ягона иқтисодий ҳудуд яратишнинг бош ижодкорларидан бўлганлиги учун зални тўлдирган қирғизистонликлар уни тикка туриб кутиб олдилар ва узоқ олқишладилар. Юртбошимизнинг жаҳон миқёсида, айниқса, Марказий Осиё минтақасида халқларнинг тинч-тотув яшашлари учун астойдил жон қуйдириши ва тарихда қоладиган улкан ишлар қилганлиги Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг нутқида ва халқаро «Руҳоният» уюшмасининг раиси Акун Тохтосартовнинг сўзларида ўз ифодасини топди.

Элни элга дўст ва биродар қилаолган сиймолар учун таъсис этилган халқаро руҳоният мукофотининг фахрий аъзоларидан бири — жаҳонга танилган қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов экан. Ҳозир Қирғизистоннинг Белгиядаги элчиси бўлиб ишлаётган Чингиз Айтматов юртбошимизни халқаро руҳоният мукофоти билан табриклаб, Люксембургдан телеграмма юборибди. Жўшқин дил сўзлари ёзилган бу телеграмма ҳаммамизнинг қувончимизга қувонч қўшди. Юртбошимизнинг кўксига тақилган халқаро мукофот нишони бутун Ўзбекистоннинг кўкрагига тақилгандай ифтихор қилдик.

Катта бир давлатни бошқариш билан бирга руҳониятнинг халқаро миқёсидаги тараққиётига муносиб ҳисса қўшиш инсоний фазилатлар орасида гавҳардай қимматбаҳо. Шунинг учун бундай фазилат соҳиби эллар олқиши билан тақдирланади.

Олқиш эса олтиндан ҳам баланд туради. Шунинг учун халқ донишмандлари орасида «олтин олма, олқиш ол!» деган мақол кенг тарқалгандир.

Пиримқул ҚОДИРОВ,
Халқаро «Руҳоният» уюшмасининг фахрий аъзоси.

ҚИШЛОҚДАГИ КОРХОНА

Жалолқудуқ туманидаги «Пахтакор» жамоа хўжалигида Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлими очилди. Бу ерда юз нафар хотин-қиз меҳнат қилаётир. Бирлашманинг ҳозиргача вилоят қишлоқларида очган корхоналари еттитага етди.

Жамоа янги иш ўринлари ташкил қилиш, тўқувчилик корхоналари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, ички имкониятлардан самарали фойдаланиш туфайли топшириқларни муваффақиятли адо этмоқда.

МАҲСУЛОТЛАРНИНГ БОЗОРИ ЧАҚҚОН

НАМАНГАН. Вилоят матлубот жамияти Москва, Кострома, Новосибирск, Уфа ва Барнаул шаҳарларида дўкон очди.

Уларда консерваланган сабзавот ва мева, турли хил шароб, эркаклар кўйлаклари ва бошқа маҳсулотлар сотилмоқда. Бунинг эвазига вилоятга озиқ-овқат ва қурилиш ашёлари олиб келинмоқда.

«Намангансавдо» концерни ва «Кооптайёрлашсавдо» бирлашмаси Россияда йигирмадан зиёд савдо уйи ва ваколатхоналар ҳам ташкил этишди.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Термизда халқ депутатлари Сурхондарё вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда ўтган йил якунлари ҳамда Президент Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида ва Олий Кенгаш ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқларида ўртага қўйилган вазифалар асосида халқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотни янада кенгроқ амалга ошириш масалалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Ж. Норалиев шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгилаб олинди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШ БОШҚАРМАСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИГА АЙЛАНТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ва назорат органлари фаолиятини тартибга солиш, ягона давлат солиқ ва божхона сиёсатини ўтказиш, Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ташкил этилсин.

2. Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитаси бош божхона бошқармасига айлантирилсин ва у Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитасига бўйсундирилсин.

Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари — бош божхона бошқармасининг бошлиғи лавозими таъсис этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари тугатилиб, улар ходимлари сонининг 50 фоизи Давлат солиқ қўмитасига берилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ қўмитаси таркибида махсус тафтиш-назорат бошқармаси ташкил этилсин.

Махсус тафтиш— назорат бошқармасининг бошлиғи — давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари лавозими таъсис этилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси республика ҳукуматининг қарорларини мазкур Фармонга мувофиқлаштирсин, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 августидаги Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 18 январь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Банк тизимини юқори малакали мутахассислар ва тажрибали раҳбарлар билан янада мустаҳкамлаш, банк ахборотини муҳофаза этиш, ижозат этилмаган ва маблағлар ўғриланишига сабаб бўладиган ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, шунингдек, бу соҳадаги коррупция, порахўрлик ва таъмагирликка қарши курашни кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг:

— республиканинг бутун банк тизими вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари (филиаллари) раҳбарлари фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг қарори билан вазифаларига тайинланадиган ва вазифаларидан озод қилинадиган тартибни ўрнатиш тўғрисидаги;

— Ўзбекистон Республикаси Марказий банки аппарати таркибида махсус ички хавфсизлик бошқармасини ташкил этиб, унинг зиммасига банк тизимидаги коррупция, порахўрлик, таъмагирлик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш масалаларини юклаш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида амалдаги қонунларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тақдим этсинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. С. ҲАМИДОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ—ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бахтиёр Султонович Ҳамидов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири этиб тайинлансин ва шу сабабдан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раиси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 18 январь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Э. Ж. БОҚИБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИ ВАЗИФАСИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Эркин Жўраевич Боқибоев бошқа ишга ўтгани муносабати билан Ўзбекистон Республикаси молия вазири вазифасидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1994 йил 18 январь.

Ишонч ёрлиғи топширилиши муносабати билан

ФИНЛЯНДИЯ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЖАНОБ КОЙСТИНЕН АНТТИ ТАПИО

1942 йил 30 сентябрда Алаус қасабасида (Финляндия) туғилган. Гуманитар фанлар номзоди.

1971 — Ташқи ишлар вазирлиги ходими

1972 — Финляндиянинг Москвадаги элчихонасида атташе

1974 — Финляндиянинг Москвадаги элчихонасида котиб

1975 — Финляндиянинг Деҳлидаги элчихонасида котиб

1977 — Ташқи ишлар вазирлигида секция котиби

1978 — Финляндиянинг Москвадаги элчихонасида маслаҳатчи

1983 — Ташқи ишлар вазирлигида маслаҳатчи

1985 — Финляндиянинг Деҳлидаги элчихонасида маслаҳатчи

1989 — Финляндиянинг Работдаги муваққат ишлар вакили

1991 — Ташқи ишлар вазирлигида маслаҳатчи

1993 — Ташқи ишлар вазирлигининг элчиси

1994 — Финляндия Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги фавқулоддa ва мухтор элчиси.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси

1994 ЙИЛ— ОИЛА ЙИЛИ

Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитаси «Соғлом авлод учун» ордени таъсис этилганининг бир йиллиги ва жорий йилни ЮНЕСКО оила йили деб эълон қилинганига бағишланган йиғилиши бўлди.

Сўзга чиққанлар ватан остонадан, инсон қамолн эса оиладан бошланишини, мамлакатимизда истиқлол келажаги — ёш авлодни ҳар жиҳатдан камол топтиришга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидлади. Кейинги вақтда вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эҳтиёжманд онталарни ижтимоий ҳимоялаш яхшиланмоқда, улар турли иитнёзлардан баҳраманд бўлмоқда.

Йиғилиш қатнашчилари, шунингдек, Андижон вилояти хотин-қизлар қўмитасининг бола тарбияси, уй бекаларн билан ишлаш борасидаги тажрибаси билан танишдилар.

ФЕДЕРАЦИЯ КЕНГАШИ МАЖЛИСИ

18 январь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг бир йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда ва Олий Кенгаш ўн тўртинчи сессиясида сўзлаган нутқларида баён этилган фикрлар асосида касаба уюшмалари фаолиятини яхшилаш масалалари муҳокама этилди. Федерация кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Т. Собитов шу ҳақда маъруза қилди.

Мажлисда сўзга чиққанлар ҳуқуқий демократик давлатни барпо этиш, бозор муносабатларига ўтиш, ижтимоий муҳофазани кучайтиришда касаба уюшмаларининг ўрни ва вазифалари тўғрисида гапирдилар.

Кенгашда ташкилий масала кўрилди. Б. Алламуродов саломатлиги ёмонлашгани сабабли аризасига биноан республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси вазифасидан озод этилди. Ҳ. Жамолов Федерация Кенгаши раиси этиб сайланди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков мажлисда нутқ сўзлади.

Мажлисда Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

ОНАЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Наманганда янги туғуруқхона фойдаланишга топширилди. Шаҳарнинг гўзал даҳасида қурилган 60 ўринли бу туғуруқхона зарур бўлган тақдирда шаҳарнинг ҳамма туманларидан келган оналарни қабул қила олади. Шу билан бир вақтда шаҳар атрофидаги қишлоқлардан келадиган оналарга ҳам хизмат қилади.

Ёшлар жаҳон тажрибасини ўрганишмоқда

Тошкентдаги 17-мактабнинг ўнинчи синф ўқувчиси Улуғбек Суюнов танлов чиғириқларидан ўтиб, Америкада ўқиб келганига кўп бўлгани йўқ. Унинг «Нордестскул» хусусий мактаби тарбиячиларидан шахсий таклифнома олиб, АҚШнинг Сиэтл шаҳрида бир йил ўқиганини кўпчилик билади, албатта.

Ҳозир биринчи қалдирғоч — Улуғбекнинг издошлари анча кўпайган. Бугунги кунда республикамизнинг турли шаҳарларидан 48 нафар ўқувчи Америка мактабларида таълим олмоқда. Яқинда янги гуруҳлар ҳам йўлга чиқади.

Ўзбекистонлик ёшларга бу имкониятни АҚШдаги «Акселс» таълим ва тил ўрганиш соҳасида ҳамкорлик маркази мутахассислари яратиб беришди. Бу ташкилот МДҲ мамлакатларидаги мактаб ўқувчилари ва талабаларга таълим бериш бўйича бир неча дастурни амалга оширади. Дастурларнинг молиявий томонини АҚШ ҳукумати кўтаради. Американликлар Ўзбекистонга яхши ният; инглиз тилини яхши биладиган иқтидорли болаларни танлаб олиш учун келишган.

Ўтган йили инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган махсус мактабларнинг имтиҳон ва тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўқувчилари ўқишни давом эттириш учун Америкага жўнаб кетишган эди. Уларнинг барчаси американликлар хонадонида яшашади.

— АҚШда таълим олаётган ёш ҳамюртлар билан учрашувимиз американликларнинг очиқ кўнгиллилиги ҳақидаги гапдан бошланди, — дейди Ўзбекистон халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев.

У АҚШга БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг алоҳида топшириғи билан сафар қилган Ўзбекистон делегацияси сафида борган эди.

— Сафардан кўзланган мақсадлардан бири — Америка томони билан таълим соҳасида қалин алоқа ўрнатишдан иборат эди, — деб давом этади Жўра Ғаниевич. — Жумладан, АҚШ билан ҳамкорликда амалга оширилаётган икки дастур хусусида келишиб олишимиз лозим эди. Дастурларнинг бири доирасида бизнинг таклифимизга биноан Ўзбекистонда қарийб икки йилдан бери тинчлик корпуси намояндалари ишлаяпти. Ўра 32 кишидан иборат бўлиб, қишлоқ мактабларида болаларга инглиз тилини, ўқитувчиларга эса, ўзларининг дарс бериш усулларини ўргатишяпти, тажрибаларини баҳам кўришяпти. Таълим департаментида биз бу тажрибани давом эттириш хусусида келишиб олдик.

«Акселс» таълим маркази ҳам биз билан ҳамкорликни давом эттириш истагини билдирди. Биз бу марказ билан биргаликда узоқ муддатли дастурларни амалга оширишимиз лозим. Чунки, биз энг илғор усулларни ўзлаштириб, ўзимизга хос таълим андозасини ишлаб чиқиш мақсадида чет эл тажрибасини ўрганяпмиз.

Америкада ярим йилдан бери таълим олаётган ўқувчилар билан учрашувимиз ҳам ибратли бўлди. Ўқитувчиларнинг айтишича, улар билимга чанқоқлиги ва тиришқоқлигини намоён қилишган. Америкада мактаб тизими бизникидан фарқ қилади. У ерда беш чорак ўқилади, ҳар чоракдан кейин ўқувчилар синовдан ўтадилар. Математика, АҚШ тарихи, жисмоний тарбия синглари мажбурий дарслардан бошқа дарслар ўқувчиларнинг хоҳишига қараб ўқитилади.

Америка мактабларида келажакда танланадиган касбдан келиб чиқиб, нотиқлик маҳорати, мантиқ, ритмика, санъат тарихи чуқур ўргатилади. Бундан ташқари, болалар ўзларининг иш вақтидан қандай файдаланиш ва ҳордиқ чиқариш хусусида ҳам малакали таълим олишади. Болаларимиз дастлабки пайтларда мана шу масалада бироз қийналишибди. Мустақиллик ва масъулиятга, оила ва мактабдаги мулоқотга бирданига ўрганиб кетиш осон эмас, ахир. Болаларнинг янги «ота-она»ларга кўникиши ҳам унчалик осон кечмаган.

Ҳозир бу қийинчиликларнинг барчаси ортда қолган. Болалар юртимизга пухта билим эгаллаб қайтишларига шубҳа йўқ. Биз ҳозир уларнинг билимини бўлажак касблари билан боғлаш, юртларидаги ўқув даргоҳларида таржимонлик ва республикамиз учун зарур бўлган бошқа мутахассисликлар бўйича малакасини оширишлари учун кимлар қилиш ҳақида ўйлаяпмиз. Бунинг учун жаҳон иқтисоднёти ва дипломатия институти негизида шундай иқтидорли болалар учун лицей очмоқчимиз.

Ўзбекистон бугунги кунда кўплаб мамлакатлар билан таълим соҳасидаги алоқаларни йўлга қўймоқда. Шунинг учун ҳам тил ўрганиш, айниқса инглиз, француз, немис тилларини ўрганишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бизнинг асосий вазифамиз — истеъдодли ёшларни жаҳон тажрибасини ўзлаштиришга жалб этишдир.

Л. СТРУННИКОВА,
ЎзА мухбири.

• *Тошкент ва пойтахт вилояти:*

ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛАРИ

БУГУНГИ КУНДА ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ЎРТАСИДАГИ МУСТАҲКАМ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРСИЗ ХЎЖАЛИК МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИБ БЎЛМАЙДИ

ТОШКЕНТ ва пойтахт вилояти ўтган йилнинг охирида иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида қатъий қадам қўйди, хўжалик фаолиятининг турли жабҳаларида ҳамкорлик қилишнинг асосий йўналишлари юзасидан келишиб олинди. Биргаликдаги чора-тадбирларнинг ҳар томонлама пухта ўйланган, аниқ дастурини ишлаб чиқишга ҳам ўшанда қарор қилинганди. Махсус комиссия бу муҳим ҳужжатни икки ҳафта ичида тайёрлаб, ўз таклифларини муҳокамага ҳавола этди. Муҳокамадан сўнг дастур маъқулланди ва Тошкент шаҳри ҳамда пойтахт вилояти ҳокимлари А. Фозилбеков билан М. Икромов ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник қўшма ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Албатта, пойтахт вилояти ва Тошкент шаҳри ҳақида гап борганда «ҳамкорлик», «яқинлашув», «шартнома» иборалари ғалати туюлиши мумкин. Бироқ бу ҳаёт воқелиги тақозо этаётган заруратдир. Хўжаликлараро алоқалар кейинги пайтларда фақат жумҳуриятлар ўртасидагина бузилиб қолмади. Бу нималарга олиб келганини ҳаммамиз ҳис этиб турибмиз. Дўконларнинг ҳувиллаган пештахталари, саноат корхоналари ишидаги узилишлар, нарх-наво...

Ҳолбуки, яқин вақтларгача манзара бутунлай ўзгача эди. Қишлоқ аҳли дала ва боғларда етиштирган ноз-неъматларини шаҳарликлар билан баҳам кўрганларини, улар эса ўз навбатида техникани таъмирлашда, ҳосилни йиғиштириб олишда, чорвачилик фермаларини қуришда қишлоқдаги биродарларига кўмаклашганларини яхши эслаймиз. Бундай алоқалар амалда мустаҳкам бўлиб чиқмади. Бу тушунарли. Чунки, у маъмурий-буйруқбозлик тизимига мансуб бўлиб, бозор муносабатларига ўтила бошланиши биланоқ барҳ кетди.

Ҳозирги алоқалар эса аввалгисидан тубдан фарқ қилади. Улар ўзаро фойдали бўлиб, ортиқча дабдаба ва хўжакўрсин каби нуқсонлардан ҳоли, бозор иқтисодиёти талабларига зид эмас, аксинча унинг ҳар томонлама ривожланишига ёрдам беради.

Бу нарсага Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн тўртинчи сессиясидаги нутқи ижобий туртки бўлди. Жумҳурият Президентининг ўша нутқида халқ хўжалиги аҳволига объектив баҳо берилди, камчиликларнинг сабаблари очиб ташланди, бундан буёнги иқтисодий янгиланишларнинг асосий нуқталари аниқлаб берилди. Ютуқларни қайд этар экан, Президент ижтимоий, жумладан ишга жойлашиш, ишбилармонликни ривожлантириш, маҳаллий хом ашёдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳисобига матлубот бозорини кенгайтириш соҳаларидаги мавжуд муаммолар кўпгина туманларда суст ҳал этилаётганлиги таъкидланди. Вужудга келган бундай вазиятдан чиқиш эса кўп жиҳатдан ҳокимларга, уларнинг масъулиятни ҳис эта билишларига, қатъийликларига, бозор иқтисодиёти қонунларини қай даражада билишларига, ишбилармонликни ривожлантира олишларига боғлиқдир.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти ҳокимлари юртбошимиз нутқидан ўз вақтида хулоса чиқардилар ва етилган масалаларни ҳал этишга ҳозирданоқ киришдилар. Бир-бирларининг имкониятларини зудлик билан аниқлаб олиб, дарҳол амалий ишларга ўтдилар. Ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги алоқаларни назарда тутади. Қишлоқда Тошкентдаги йирик индустрия корхоналарининг филиалларини, кичик корхона тармоқларини вужудга келтириш мўлжалланмоқда. Қишлоқ меҳнаткашлари эса шаҳарликларни дала ва боғ неъматлари, чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилайдилар.

Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти туманлари ҳокимлари узвий алоқалар ўрнатдилар, минтақани ривожлантириш йўлларини белгиладилар. Бу алоқалар ҳаётнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Асосий мақсад — иқтисодий янгиланишларни жадаллаштиришга, одамлар турмуш шароитини яхшилашга, зарур маҳсулот ва хизматлар билан таъминлашга кўмаклашишдир.

Ҳокимият идоралари раҳбарлари имзоланган шартномани қандай баҳолайдилар?

Тошкент вилояти ҳокими Мирзамурод ИКРОМОВ:

— Бир-биримизга қўл берганлигимизнинг дастлабки самарасини аҳоли ҳозирданоқ ҳис қила бошлади: қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш кўпайди, пойтахтда дала ва боғ неъматлари ярмаркалари бўлиб ўтди. Тошкент корхоналари ва ташкилотлари раҳбарлари қишлоқда кичик цехлар очишни таклиф этдилар, янги лойиҳа ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда, муҳандислик иншоотларини ётқизишда ёрдам беражакларини айтдилар. Шундай қилиб, битим аллақачон ишлай бошлади. Шундай бўлиши табиий. Зеро, шаҳар ва вилоят — яхлит жисм, улар бир-бирларидан айри ҳолда яшай олмайдилар. Энг муҳими эса, бундай алоқалардан, аввало, оддий кишилар манфаатдордирлар. Улар бир-бирларисиз иқтисодиётни кўтариш оғир бўлишини тушунадилар.

Узбекистон ва Қозоғистон Президентлари яқинда имзолашган шартномани биз ҳаммамиз мамнуният билан қарши олдик. Унда ягона иқтисодий кенгликни вужудга келтириш назарда тутилган. Бу билан ўзаро фойдали интеграцияга, капитал, маҳсулот ва ишчи кучларининг эркин жойлашишига йўл очилади, келишилган кредит ҳисоб-китоб, бюджет, солиқ, нарх-наво, божхона ва валюта сиёсати таъминланади. Тошкент тумани ва Тошкент шаҳрининг Қозоғистоннинг қўшни минтақалари билан ҳамкорлик қилишининг истиқболли шартнома доирасида яққол кўриниб турибди. Вақтинчалик қийинчиликларни ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз билан енгиб, иқтисодий янгиланишлар жараёнини тезлаштира оламиз.

Тошкент шаҳар ҳокими Адҳамбек ФОЗИЛБЕКОВ:

— Бугун биз имзолаган шартноманинг муҳимлигини баҳолаш қийин. У ҳаётимизнинг турли жабҳаларидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлигимиз сари кенг йўл очади. Эндиги муҳим вазифа — белгиланган тадбирларнинг қоғозда қолиб кетмай, тез орада амалий ишларимизда ўз аксини топишидир. Пойтахт ва вилоятдаги кўпгина ҳокимиятлар шартномани бажаришга киришдилар. Масалан, Мирзо Улуғбек туманини олайлик. У Қибрай тумани билан чегарадош, бир неча ўн йилларидан бери хўжалик ришталари давом этиб келади. Энди қўшнилар эски алоқаларни янада чуқурлаштирмоқдалар. Қишлоқ аҳли сабзавот дўконлари қурадилар, «Ўзбекхлопкомаш» ишчилари эса жамоа ва давлат хўжаликларида чорвачилик фермалари қурадилар, қўрғонларда саноат корхоналарининг филиаллари очилади, бу кўплаб ёшларни иш билан таъминлаш имконини беради. Келажакда эса икки туманни туташтирган чегарада Дўстлик шаҳри қад ростлайди. Унда қишлоқ ва шаҳар аҳли ёнма-ён ящайди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси амалга ошадиган режалар бўлиб, вилоят ва пойтахтнинг улкан илмий-техник, саноат ва хўжалик салоҳиятига асосланган. Бундай алоқалар шаҳар учун ҳам, қишлоқ учун ҳам бирдек керак. У одамларни иш билан таъминлайди, ўз иқтидорларини намоён этиш имконини беради.

Абдувоҳид ҲОТАМОВ,
«Халқ сўзи» ва «Народное слово» мухбири.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

• *Муддао—тоза ҳаво*

МУРОСАСИЗЛИК ТАЛАБ ҚИЛИНДИ

ҚАШҚАДАРЁ вилоят уй-жой коммунал хўжалиги бошқармасининг берган маълумотига қараганда бир йилда тўрт юз минг кубметрга яқин қаттиқ ва суюқ чиқиндилар ўраларга чиқариб ташланаркан. Албатта, уларни қандай зарарсизлантириш муаммоси кўндаланг бўлиб туради. Мабодо, бу чиқиндилар уюмида заҳарли моддалар, турли шифохоналарда фойдаланилган буюмлару инсон тана тўқимасига таъсир қиладиган физик-химиявий чиқитлар ҳам борлигига эътиборни қаратсак, масала ойдинлашади. Хўш, атроф-муҳитга кескин таъсир қилиш, турли юқумли касалликлар ва бошқа кўнгилсиз воқеаларга сабаб бўлиши эҳтимоли бўлган ташландиқлар билан қандай «муомала» қилинаяпти?

Афсуски, табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўтказган текширишлар аҳвол ўта кўнгилсиз эканини кўрсатади. Олайлик, Қарши шаҳридан чиққан ташландиқлар Қўнғир тоғи этакларига элтиб тўкилади. Бу жой шамол йўналишида бўлиб, зарарли микроблар вилоят маркази, Қамаши, Ғузор, Косон туманлари ҳудудига тарқалиши мумкин. Жойлардаги санитария-эпидемиология станциялари маъмуриятлари жорий қилинган қоидаларни қўпол равишда бузиб, тери-таносил, онкология, юқумли касалликлар, гинекологик даволаш муассасалалари ахлатларини хлорли оҳак билан зарарсизлантиришга рухсат берганлар. Ҳолбуки, улар махсус ёпиқ жойларда ёқиб юборилиши керак.

Бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш мақсадида қишлоқ хўжалик ҳимояси бирлашмасининг Ғузор ва Яккабоғдаги идораси, вилоят газлаштириш бошқармаси, Нишон пахта тозалаш заводи, «Оқавасув» ишлаб чиқариш бошқармаси ва яна бошқа бир қанча ташкилотлари мукофот пулларидан тўла ёки қисман маҳрум қилиндилар.

Муҳайё ТИЛОВОВА.

БУХОРО ВИЛОЯТИ ЯНГИЛИКЛАРИ

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Бухорога Ҳиндистондаги «Ларсен энд Тубро Лимитед» фирмасининг вице-президенти жаноб А. Рамакришна ташриф буюрди. Вилоят ҳокими Д. Ёдгоров фирма вице-президенти билан ҳамкорлик борасида бир қанча шартномаларга имзо чекди. Энди ҳиндистонликлар янги йилдан бошлаб Бухорода тиббиёт олийгоҳи учун замонавий бино қуришга киришадилар. Унинг сарф-ҳаражати 6,8 миллион долларни ташкил этар экан. Бунинг учун вилоят ҳокимлиги икки минг тонна тола ажратадиган бўлди.

«БУХОРОИИ ШАРИФ-НИНГ ФАХРИЙ ФУҚАРОСИ» НИШОНИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Бухоро шаҳар кенгашининг навбатдаги сессиясида «Бухоройи Шарифнинг фахрий фуқароси» нишонини таъсис этишга қарор қилинди. Биз бундай мукофот кимларга насиб этиши билан қизиқдик.

Қарорда таъкидланишича, шаҳар иқтисодиётига, умуман, унинг равнақига улкан ҳисса қўшган шаҳар ҳамда вилоятнинг ҳар бир фуқароси ушбу нишонга сазовор бўлиши мумкин. Қолаверса, ажнабий давлатлар вакиллари ҳам фахрий фуқаролар қаторидан жой олишлари назарда тутилган.

Шаҳар ҳокими қарори шаҳар Кенгаши томонидан кучга киритилгандан сўнг, нишон соҳиблари бир қатор имтиёзлардан фойдаланадилар. Яъни жамоат транспортида бепул юриш ҳам шулар жумласига киради.

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи» мухбири.

КИЧИК КОРХОНАЛАР ШАРОФАТИ

Ангор пахта тозалаш корхонаси қошида Жиззахдаги «Сўғдиёна» фирмаси билан ҳамкорликда калиш тайёрлайдиган «Ангор — плос», чиқиндини қайта ишлайдиган «Оқ олтин», гилам, жемпер тўқийдиган «Чевар» кичик корхоналари ишга туширилган эди.

Меҳнат жамоасида иш маромида бузилмагани, маҳсулот сифатининг яхшиланиши туфайли 60 миллион сўм даромад олинди. Унинг бир қисми маошни ошириш, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, ободонлаштиришга сарфланди.

Ишчи-хизматчилар яшайдиган кўрғонга табиий газ, ичимлик сув келтирилди. 200 ўринли санаторий қурилмоқда.

Тошкент давлат техника университетининг олимлари ва ўқитувчилари ҳаводаги озон қатламини сақлаб қолиш муаммосини ҳал этишга ўз ҳиссаларини қўшишди. Маълумки, ҳозирги вақтда совутгичларда қўлланиладиган фреон моддаси озон қатламининг камайишига сабаб бўлмоқда. Университет олимлари озон қатлами учун хавфсиз бўлган кимёвий аралашмани тайёрлайдилар. Бу аралашма рўзғор техникасида қўлланиладиган фреоннинг ўрнини бемалол босади.

ФРЕОН ВА КОМПРЕССОРСИЗ ИШЛАЙДИГАН СОВУТГИЧ

Ҳаводаги озон қатламининг бузилиши кўп мамлакатлар олимларини ташвишга солмоқда. Бунинг сабаби — илгари хавфсиз ҳисобланган фреон — 12 гази эканини олимлар исботлаб беришди. Бу газдан жуда кенг миқёсда фойдаланилади. Газ айниқса турли аэрозол баллонлар ва рўзғор холодильниклари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Ҳозир фреонни қўллаш бутун дунёда тақиқлаб қўйилди. Бу тақиқни бузганлар қаттиқ жазоланади — иқтисодий жазо чоралари қўлланилиб, маҳсулотни четга сотиш тақиқлаб қўйилади. Фақат МДҲ мамлакатлари, шу жумладан Ўзбекистон 1996 йилга қадар саноатда фреондан фойдаланишга рухсат олган. Халқаро ташкилотлар бу мамлакатлардаги қийин иқтисодий вазиятни ҳисобга олиб, шундай рухсатнома беришган.

Хўжалик ходимлари олдида ишлаб чиқариш йўналишини аста-секин ўзгартириш вазифаси турибди. Техника университети машинасоз мутахассислар тайёрлаш маркази совутиш машиналари ва қурилмалари кафедраси олимларининг ишланмаси хўжалик ходимларига кўп маблағ сарфламай ва технологияни ўзгартирмай фреонни қўлланишдан воз кечишга имкон беради.

Масалан, рўзғор холодильниклари ишлаб чиқаришда компрессор ичига қуйиладиган газни алмаштириш кифоя қилади. Бунинг устига, синов чоғида янги аралашма энергетика хоссалари жиҳатидан фреондан қолишмайди, яъни холодильник ишлаган пайтда электр энергияси сарфи кўпаймайди. Тошкентлик олимлар бу янгиликка доир ҳамма ҳужжатларни Самарқанддаги «Сино» рўзғор холодильниклари заводига топширишди.

Бу янгилик кафедра олимларининг амалий аҳамиятга молик ягона ишланмаси эмас. Бу ерда республика саноати учун янги машина-ускуналарни яратиш чоғида экология омилини ҳисобга олмаслик мумкин эмас, деган фикр билдирдилар. Душманлари эса у ҳали тирик бўлиши мумкин, деган тахминни ҳам ўртага ташламоқдалар.

• *Бозор иқтисодиёти йўлида*

ТУБ ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИСОБГА ОЛИБ

Собиқ «Зангори экран», ҳозирги «Гарант» Узбекистон ишлаб чиқариш бирлашмаси бутун Ўзбекистонда бўлинмалар шахобчасига эга, радио-телевизион аппаратларни таъмирлайдиган ягона ишончли корхонадир. Бирлашма телеаппаратларни созлашдан ташқари техникани сотишни ҳам зиммасига олди. Бунинг учун «Гарант» бирлашмаси собиқ иттифоқ республикаларидаги телевизор ишлаб чиқарадиган заводлар билан бир нечта қўшма корхона барпо этди.

Бу тадбир давр тақозосига, яқиндагина ўзаро ҳамкорлик қилиб келган корхоналар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда юз берётган туб ўзгаришларга боғлиқдир. Бирлашма аҳли марказлаштирилган тартибда маҳсулот етказиб берилишига умид қилиш бефойда, деган хулосага келди. Шу сабабли, қўшма корхона тузишга қарор қилинди.

Ҳозирча «Гарант» фақат Чирчиқда телеаппаратларни йиғиш ва ишлаб чиқариш масалалари билан шуғулланмоқда. Бир ярим йил олдин бу ерда «Веска» қўшма корхонаси тузилган эди. Республика ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Днепропетровскдаги «Весна» телевизори ишлаб чиқараётган завод қўшма корхона муассислари бўлди. Янги корхона олдига телевизорлар йиғишни ўзлаштириш вазифаси қўйилди. Дарвоқе, бу ерда йиғиладиган телевизорларга «Баҳор» номи берилди ва фирма магазини орқали сотила бошлади. «Веска» иш бошлаганидан буён 10 мингдан ортиқ телевизор ишлаб чиқарилди. Украинадан келадиган бутловчи материаллар ой сайин камайиб кетавергани учун «Гарант» мутахассислари телевизор ишлаб чиқаришга республика корхоналарини жалб қила бошладилар. Бу корхоналар ҳозир аъло сифатли маҳсулотларни етказиб бермоқда.

Ўзаро ҳисоб-китоб қилишдаги қийинчиликларга қарамай, пировард натижада иккала томон ҳам ютиб чиқди, каттагина фойда олди. Фойданинг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга сарфланди. Чунки, вақти келиб республикада телевизор ишлаб чиқарадиган бир неча завод рақобат қила бошлайди. Рақобатга эса ҳозирдан тайёргарлик кўриш керак.

— Ҳозирги пайтда республиканинг ихтисослашган корхоналарини, шу жумладан бизнинг бирлашмамизни ҳам ўз ичига олган «Радиоэлектронтехприбор» концерни корхонамизни телерадио аппаратларни ўзимизда тайёрланган бутловчи материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан мумкин қадар тўла таъминлаш йўлига ўтказмоқда,— дейди «Гарант»нинг бош директори Р. Қодиров. — Бу қийин муаммо астасекин ҳал қилинмоқда. Масалан, Тошкентдаги «Оникс» заводи телевизорларни йиғиш учун зарур бўлган қаршилик ва конденсаторларни бизга етказиб бера бошлади. Диодлар, трансформаторлар, кучланишни оширгичлар тайёрлайдиган корхоналаримиз ҳам шундай қилишмоқда. Бу йил республика корхоналари бизга 4,5 миллиард сўмлик маҳсулот етказиб беришади. Хуллас, ишимиз юриша бошлади...

Бирлашма ходимлари самарали ҳамкорликнинг бошқа шакллари ҳақида ҳам ўйлашяпти. Масалан, бу ерда Россиядан телеаппаратлар етказиб берадиган «Рубин» фирмаси билан акциядорлик жамияти тузилмоқда. Унга «Рубин-сервис» номи берилади. Жамият «Гарант»га катта фойда келтириши назарда тутилади. Чунки, акцияларнинг бир қисми шу бирлашма ихтиёрида бўлади. Демак, «Гарант» россияликлар билан фаолроқ ҳамкорлик қилиши, битим тузиш чоғида ўз фикрини ўтказиши мумкин бўлади. Бирлашма умуман ҳамдўстлик давлатларидаги телерадио аппаратлар ишлаб чиқарадиган бирорта корхона билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилишдан воз кечмайди. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки бирлашма республикамиз аҳолиси қўлидаги 10 миллиондан ортиқ телевизион аппаратни созлаш билан шуғулланади.

Узбекистонда чет мамлакатлардан келтирилган техника тобора кўпаймоқда. Уларга кафолатли хизмат кўрсатишда ҳам ижобий ўзгаришлар бўляпти. Японияннинг «Мацуситаэлектрик» фирмаси билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилиб, «Ўртаосиёинсервис» ихтисослашган корхонаси барпо этилди. Битимда бирлашма мутахассисларининг Марказий Осиёдаги беш давлатга муштарийларга хизмат қилиши кўзда тутилган. Шунингдек, Японияннинг «Сони» фирмаси ҳамда Жанубий Кореянинг «Голдстар» фирмаси ишлаб чиқарган техникани созлаш тўғрисида ҳам шартнома тузилган.

«Гарант» бозор муносабатлари шароитида дадил ҳаракат қилмоқда.

И. САФАРГАЛИЕВА,
ЎзА мухбири.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

РАССОМЛАРНИНГ ИККИ ХИЛ НАЗАРИ

ХАНОЙ. «Вьетнам ва Америка рассомлари уруш ҳақида: икки хил назар» — Вьетнам пойтахтидаги тасвирий санъат музейида ташкил этилган кўргазма шундай номланган. Унда Вьетнам ва АҚШнинг қирқдан ортиқ рассоми асарлари намойишга қўйилган. Бу асарлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг энг фожиали саҳифаси ҳақида ҳикоя қилади.

Кейинги уч йил мобайнида кўргазмадаги асарлар АҚШнинг 78 шаҳрида, Вьетнамнинг Дананг, Хошимин шаҳарларида муваффақиятли намойиш этилди.

ТАХМИНЛАР ТЕКШИРИЛМОҚДА

ТБИЛИСИ. Грузия Бош прокуратурасининг тергов гуруҳи мамлакатнинг собиқ президенти Звиад Гамсахурдиа ўлими билан боғлиқ бир неча тахминларни текшириб кўрмоқда. Илгари у ўзини ўзи ўлдиргани ҳақида хабар эълон қилинганди. 54 яшар собиқ президентнинг тарафдорлари Грузия МДҲга қўшилгач, ҳамда ҳокимиятни қурол кучи билан қайтариб олишга уриниши барбод бўлганидан сўнг у ўзига суиқасд қилган бўлиши мумкин, демоқдалар. Бошқалар эса кейинги пайтда кучайиб кетган оғир дарди — саратон касаллиги уни шундай қилишга мажбур этган, деган фикр билдирдилар. Душманлари эса у ҳали тирик бўлиши мумкин, деган тахминни ҳам ўртага ташламоқдалар.

ҲАРАЖАТЛАРНИ КАМАЙТИРИШНИ ИСТАМОҚДАЛАР

АФИНА. Греция ишбилармонлари Россия ва собиқ СССР республикаларига чиқиш ҳаражатларини камайтиришни ҳукматдан талаб қилмоқдалар. 75—81 доллар миқдоридаги ҳозирги тўлов Греция бозорларини маҳсулот билан тўлдиришга монелик қилмоқда. Греция ўз ишбилармонларидан ҳамдўстлик давлатларига сафар учун энг кўп тўлов талаб қилаётган мамалкатдир, деб хабар беради Афинада чиқадиган «Македония» газетаси.

АТРОФ-МУҲИТГА ҲАМ ЗАРАР ЕТДИ

НЬЮ-ЙОРК. Пуэрто-Рико соҳилига яқин жойда ҳалокатга учраган «Моррис Берман» номидаги танкердан денгизга оқиб кетган 750 минг галлон мазут ёқилғисининг 110 минг галлони махсус тузилган бригада томонидан йиғиштириб олинди. Сув ости қояларига бехосдан урилиб кетган танкер ичидаги ёқилғи атроф-муҳитга ҳам жиддий зарар етказган.

Пуэрто-Рико губернаторининг таъкидлашича, бу фалокат нафақат атроф-муҳит ва сув ҳавзасига, балки соҳилда жойлашган сайёҳлик мажмуидан тушадиган даромадга ҳам салбий таъсир қилган.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

ХАНОЙ. Ўтган йили Вьетнамнинг Хошимин шаҳрида 300 минг нафардан ортиқ хорижлик меҳмон бўлди. Уларнинг кўпчилиги маҳаллий қонунларни қўпол равишда бузган. 2 минг 500 хорижий меҳмон жарима тўлашга мажбур бўлган. 120 та сайёҳ эса мамлакат ҳудудидан чиқариб юборилган, деб хабар берди, Вьетнам ахборот маҳкамаси.

15 ГРАММ ГЕРОИН — ЎЛИМ

СИНГАПУР. Гиёҳванд моддалар сотишга қарши кураш бошқармаси ходимлари 22 нафар қонунбузарни қамоққа олди. Улардан 1,6 миллион доллар қийматга эга бўлган героин моддаси тортиб олинди. Маҳаллий қонунларга кўра, 15 грамм гиёҳванд модда билан қўлга тушган киши ўлим жазосига ҳукм қилинади.

ЖОНИВОРЛАР ЕНГИН КАСРИГА ҚОЛДИ

Австралиянинг Янги Уэльс штатида рўй берган ёнғин натижасида бу ҳудуддаги 90 фоиз жонивор ҳалок бўлди. Австралия атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ахборот маҳкамасининг хабар беришича, ёнғин 580 минг гектар майдонни қамраб олган.

ПРЕЗИДЕНТ ДЕКРЕТГА ИМЗО ЧЕКДИ

Эстония Президенти Леннарт Мери янги ташқи ишлар, мудофаа, молия ва иқтисод вазирларини тайинлаш ҳақидаги декретга имзо чекди. Бу тайинлаш мамлакат Бош вазири Марта Лаара таклифи билан, у ўтказаётган «ҳукуматни янгилаш» сиёсати доирасида амалга оширилди.

Аммо айрим раҳбарлар молия ва иқтисод вазирларини ўзгартириш яхши оқибатларга олиб келмайди, айниқса, ҳозирги шароитда сиёсий-иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатади, деб ҳисобламоқдалар.

МИСР ТЎҒОН РЕЖАСИГА ҚАРШИ

Судан давлатининг Нил дарёсида тўғон қуриш режаси Миср Араб Республикасини норозилик баёноти юборишга мажбур қилди.

Судан Ташқи ишлар вазирлиги баёнотни кўриб чиқиб, янги қуриладиган тўғон Нил дарёсидан фойдаланишда Мисрнинг имкониятларини чекламайди, қурилиш билан боғлиқ барча тадбирлар халқаро шартномалар доирасида амалга оширилади, деган жавобни берди.

ҚОҲИРАДА чиқадиган «Роз эль-юсиф» ҳафталигининг ёзишича, тўғон қурилиши билан боғлиқ масала яқин кунларда бўладиган Миср ва Судан ташқи ишлар вазирлари учрашувида кўриб чиқилади.

ЭРОН МАЖБУРИЯТЛАРИГА РИОЯ ҚИЛАДИ

ТЕҲРОН. Эрон ўз ядровий дастурининг тинчлик мақсадларига қаратилганини таъкидлади. Мамлакат атом энергияси ташкилоти расмий вакили яқинда Американинг «Ю-Эс-Эй-Тудей» газетасида эълон қилинган хабарни рад этди. Бу мақолада Эрон ядро қуроли устида иш олиб бораётгани таъкидланганди.

Ана шу вакилнинг айтишича, унинг мамлакати ядро қуролининг тарқалишини назорат қилувчи халқаро ташкилот (МАГАТЭ) аъзоси бўлиб, ўз мажбуриятларига қатъий риоя қилади. Буни ўтган йил кузда МАГАТЭнинг бир гуруҳ тафтишчилари ўтказган текширув ҳам тасдиқлади.

БРАЗИЛИЯ ҚАМОҚХОНАЛАРИДА ТАРТИБСИЗЛИК

Бразилиянинг Сан-Паулу шаҳридаги қамоқхонада маҳбуслар қўзғолон кўтардилар. 24 соатдан кўпроқ давом этган тартибсизлик ва уни бостириш жараёнида бир одам ўлди, 15 нафар маҳбус яраланди. Сўнгги ҳафта мобайнида бу Бразилия қамоқхоналарида юз берган учинчи тартибсизликдир.

ТУНИСДА ПРЕЗИДЕНТЛИК ВА ПАРЛАМЕНТ САЙЛОВИ

Шу йилнинг 20 мартида Тунисда президентлик ва парламент сайлови ўтказилади. Куни кеча мамлакат Президенти Зайн ал-Обидин Бен Али мазкур тадбирни ўтказиш билан боғлиқ декретларга имзо чекди, деб хабар берди Тунис ахборот маҳкамаси. Ҳозиргача президентлик лавозимига етти киши номзоди кўрсатилган. Сиёсатчиларининг фикрича, улар орасида Туниснинг ҳозирги президенти энг муносиб номзоддир.

Оқсоқоллар

САХОВАТ ИЗСИЗ КЕТМАЙДИ

У ЁРДАМГА МУҲТОЖ БИРОДАРЛАРИМИЗ, ОПА-СИНГИЛЛАРИМИЗ ҚАЛБИГА МЕҲР БЎЛИБ ҚУЙИЛАДИ

Ўтган йили Республика Вазирлар Маҳкамаси «Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Ҳаётимиз ўзгариб, ўнгланиб бориши, жойларда яхши маънавий муҳит яратилишига хизмат қилувчи бу қарор қандай ижросини топмоқда!

Муҳбиримиз У. Ғойимов ана шу муносабат билан яқинда жамғарманинг вилоят бўлими раислари билан учрашиб, суҳбатлашди.

Абдулла МЕЛИЕВ, жамғарманинг Самарқанд вилоят бўлими раиси:

— Маҳалла жамиятнинг бир бўлаги, пойдевори ҳисобланади. У тинч бўлса, юрт тинч, фаровон бўлади. Маҳаллаларимизнинг чирой очиши мамлакатимиз юксалаётганлигидан далолатдир. Кўркам чойхона, масжид, маданий марказлар яна илгаригидай маҳаллаларимиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Шу ўринда Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини алоҳида таъкидламоқчиман. Чунки у миллий анъаналар, қадриятларимизни тиклаш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш сари қўйилган муҳим қадамдир. Гап модомики, шу ҳақда борар экан, оқсоқоллар сайлови натижалари ҳақида гапириш ўринли бўлса керак. Сайловгача вилоятда 1 минг 112 та маҳалла фаолият кўрсатаётганди. Мазкур қонунга асосан фуқароларнинг розилиги билан 3-4 та кичик овуллар бирлаштирилиб 499 та янги маҳалла ташкил қилинди. Бу жойларда иш юритиш учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Биз маҳалла оқсоқолларининг ишларини такомиллаштириш, ролини ошириш учун ҳар ойда семинар-кенгаш ўтказяпмиз. Унда ўзаро тажриба алмашилади, маҳалланинг долзарб масалалари муҳокама қилинади.

Бўлимимиз вилоят ҳокимияти билан яқиндан алоқа ўрнатган. Йиғилишларимизга вилоят ҳокимининг ўзи ташриф буюриб, биз билан маслаҳатлашади, ишимизнинг яхши жиҳатларини қўллаб-қувватлайди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг маҳаллалар фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорини бизга билдирилган катта ишонч, деб ўйлайман. Биз доимо уни оқлашга ҳаракат қиламиз.

Маҳмуджон МАДАМИНОВ, жамғарманинг Фарғона вилоят бўлими раиси:

— Маҳалла қадимдан меҳр-оқибат маскани, тарбия гўшаси бўлиб келган. Лекин афсуски совет даврига келиб унинг кўрки, таровати йўқолди. Ёшлар бегона маданият ҳавосидан нафас ола бошладилар, одамлар ўзлигини, ўтмишини унутаёзди... Шукрки, истиқлол туфайли маҳаллаларга, улар орқали эса эски удумларни тиклаш ҳамда одамлар қалбида эзгу туйғуларни уйғотишга катта эътибор берилмоқда. Ота-боболаримиздан суяк суриб келаётган етим-есирнинг бошини силаш, бева-бечоралар дардига малҳам бўлиш каби савобли ишлар аста-секин ҳаётимизга кириб келаяпти. Жамғармамиз ана шу мақсадлар учун ўтган йили 10 миллион сўм сарфлади. Бу пуллар маҳаллаларимиздаги кам даромадли оилалар ва ногирон биродарларимизга ёрдам тариқасида улашилди...

Эгамберди ИСКАНДАРОВ, жамғарманинг Хоразм вилоят бўлими раиси:

— Жамғарма фаолиятини такомиллаштириш ҳақидаги қарор унинг фаолиятини кенгайтиришга ёрдам бераётганлиги шак-шубҳасиздир. Ўтган йили бўлимимиз 261 оилага моддий ёрдам кўрсатди. Ҳозир ҳисобимизда 17 миллион сўмдан знёдроқ пул бор. Вилоят ҳокимияти яқинда жамғармамизга яна 10 миллион сўм пул ўтказиб беришни ваъда қилди. Шаҳар ва қишлоқларда бир нечта кичик корхона ва фирмаларимиз фаолият кўрсатаяпти. Лекин, барибир, бу пуллар эҳтиёжимизни қондира олмаяпти. Ўзингиз ўйланг 17 миллион сўм пул билан нима қилиб бўлади? Вилоятда республикага машҳур бўлган кўплаб корхоналар бор. Умид қиламизки, келгусида бу корхоналар ҳам жамғармамизга ёрдам қўлини чўзади. Бизга кўрсатилган саховат ҳеч вақт изсиз кетмайди. У ўз вақтида маҳаллаларимиздаги ёрдамга муҳтож биродарларимиз, опа-сингилларимиз қалбига меҳр бўлиб қўйилади.

Жамғармамизнинг сўнгги пленумида республикада маҳаллалар ишини мувофиқлаштирувчи қўмита тузилса, деган таклиф ўртага ташланган эди. Янги йилда ушбу ниятимиз амалга ошгудай бўлса, нур устига аъло нур бўларди.

> **«Маҳалла орқали кўп ишларни қилиш мумкин. Ёшларга муносиб тарбия беришда, қадриятларимизни тиклаш ва оммалаштиришимизда мен сиздек табаррук оқсоқолларга ишонаман ва таянаман».**
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

ЭЛ ЭЪТИРОФИ

Ўзбекистонда ҳар бир хонадоннинг ўз отаси бўлганидек, ҳар бир маҳалланинг ҳам отахони — оқсоқоли бор. Бу оқсоқолнинг маҳалла-кўй, қишлоқ-овул, ҳатто, юртда ҳам ўзига яраша обрў-эътибори, мавқеи, нуфузи бўлади.

Қадим-қадимларданоқ қишлоқ, овул, кейинчалик эса маҳалла-кўй орасидан танти, фидойи, тадбиркор кишиларни оқсоқол қилиб кўтарганлар. Бу жараён ўзига хос синов, танлов билан ўтган. У ҳам жисмоний, ҳам ақлий жиҳатдан кўрикдан ўтган. Эл-улус орасидаги нуфуз — оқсоқол бўлишликнинг асосий шартларидан ҳисобланган. Ҳеч бир юмуш, тадбир, унинг иштирокисиз амалга оширилмаган. Ота-оналар фарзанд тўй-тантанаси олдидан, йигитлар узоқ сафарга отланиш пайтида, кишилар том ёпмоқчи, уй солмоқчи бўлганларида, кимлардир лавозимга киришиш арафасида ана шу табаррук зотни йўқлаганлар, унинг маслаҳати билан иш тутганлар. Агар у эркак бўлса оқсоқол, баковул, юзбоши, нойб, элбоши, маҳаллабоши, бобо, ота деб аталган ва у билан ниҳоятда назокат ва ҳурмат билан гаплашганлар. Агар у аёл бўлса (аёллардан ҳам маҳалла бошлиқлари кўп бўлганлиги аён), опа, қайнона, ходим деб номланган. Бундай аёллар кўпроқ тўй-маъракаларни, совуқ маросимларни бошқариб, унинг эгаларига обрў-эътибор олиб берганлар.

Юртбошимизнинг қаерга бормасин оқсоқолларга қўл очиб, дуо қилишларини сўраши, вақти-вақти билан маҳалла оқсоқолларини йиғиб, маслаҳатлашишида рамзий маъно бор. Буюк соҳибқирон Амир Темур ҳам, шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳам, машҳур саркарда, подшоҳ ва нозиктаъб қалам соҳиби Мирзо Бобур ёки ундан кейин ўтган бир қатор раҳнамолар ҳам қаерга боришмасин, қаерга сафарга чиқишмасин оқсоқолларнинг дуо-фотиҳасини олганлар. Бу одат халқ оғзаки ижодида, анъанавий педагогикасида, удумшунослик, одобшунослик, элшунослигида муҳим аҳамият касб этган.

Маҳалла оқсоқоли ўзи яшаб турган жойдаги барча яхши ёмон ишларга жавоб берган. Ёш-яланглар унга тик боқмаган, олдидан бесўроқ ўтмаган, гапини икки қилмаган, қаерда ва қай шароитда бўлмасин обрў-эътиборини жойига қўйган.

РИВОЯТ. Юртга бостириб кирган ёғий жанг бошлашдан олдин, аввал одамларини синаб кўрайчи, кейин шунга қараб иш тутаман, деб ҳузурига маҳалла оқсоқолини чақиртирибди. Шоҳ унга: «Саволларимга тўғри жавоб қилсанг, ўлдирмайман, нотўғри гапирсанг, каллангни бошингдан жудо қиламан, содиқ фуқароларингни бирма-бир тиғдан ўтказаман», — дебди. Шўнда маҳалла оқсоқоли шоҳнинг барча саволларига тўғри жавоб беришга розилик билдирибди. Шоҳ ундан: «Мен эртага енгаманми ёки йўқми», деб сўрабди. Оқсоқол: «Енголмайсиз», деб жавоб берибди.

— Шунчалик кўп ва кучли қўшинга эга бўлсам ҳам-а?

— Ҳа! Чунки халқини суйган султонни, султонига фидойи халқни енгиб бўлмайди...

— Сен-чи? Сен менга қўшилсанг, ёрдам берсанг-чи? Бош вазир қилиб кўтарардим.

— Йўқ, юртимни сотиб вазир бўлгандан, гадо бўлганим яхши...

Шунда шоҳ мана бўлмаса, деб оқсоқолнинг бўйга етган ўғлини кўзи олдида дорга остириб юборибди. Аммо оқсоқол барибир сўзидан қайтмабди. Шоҳ унинг иккинчи фарзандини ҳам остирибди. Оқсоқол яна сўзидан қайтмабди. Шоҳ оқсоқолнинг ўзини осмоқчи бўлганда, маҳалладошлари бир овоздан: «Уни осма, мени ос. Уни осма, бизни ос!» деб талаб қилишибди.

Шоҳ шунда нима қилишини билмай, оқсоқол айтгандай чиндан ҳам енголмасам керак, деб изига қайтиб кетган экан...

Шу ўринда мен Олий Кенгаш томонидан қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳақида алоҳида тўхталмоқчи эдим. Чунки фуқаролар мазкур қонунга мувофиқ оқсоқолларни сайлов йўли билан танлаш имконига эга бўлдилар. Бу энг адолатли йўл. Фуқароларга энди хоҳлаган одам эмас, ўзлари истаган, танлаган киши оқсоқоллик қилади. Оқсоқол эса ўзига билдирилган ишончни юксак билиб, маҳалладошларига фидойи, садоқатли бўлади. Уларнинг манфаати учун куч-қудрати, ақл-заковатини аямайди, миллий удум, расм-русум ҳамда анъаналаримизни оммалаштириш, ёшлар ахлоқи ва тарбиясини шакллантириш ҳақида қайғуради. Зеро, маънавият устивор бўлган, қадриятлар қадрланган, иймон ҳамда эътиқод бут бўлган оила ёки маҳалладан хоин, оқпадар чиқмайди.

Малик МУРОДОВ,
профессор.

Маҳаллада ҳикмат кўп

ЯККАБОҒ ТУМАНИ Ш. РАШИДОВ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИ ОҚСОҚОЛЛАРИ АНА ШУНДАЙ ДЕЙИШМОҚДА.

Айниқса, кейинги пайтда маҳаллаларга алоҳида эътибор берилаётгани, бошқарувнинг маҳалла тизими республикамиз тинчлик-осойишталиги учун муҳим аҳамият касб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни биз ҳикоя қилмоқчи бўлаётган Яккабоғ тумани Ш. Рашидов номли жамоа-ширкат хўжалиги мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Хўжаликда айни пайтда 1741 киши истиқомат қилади. Бу ерда ҳам яқинда «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга асосан қишлоқ оқсоқоллари сайланди. Қишлоқдаги 12 та кўчанинг ҳар бирига биттадан қўмита аъзоси ҳамда қишлоқда обрў-эътиборга эга бўлган отахонлар бириктирилди. Бу эса ҳар бир кўчанинг тоза, озода бўлиши, аҳолининг тинч-тотув яшаши, меҳнат қилишида катта аҳамият касб этмоқда.

Масалан, қишлоқдаги майда жиноят, қўйди-чиқди, туман раҳбарлари ёхуд бирор адлия идорасининг аралашуви билан эмас, қишлоқдаги сўзи ўтадиган, кўп нарсани кўрган доно отахонларимиз кўмагида ҳал этилаётир. Фуқаролар ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишлари ҳам кўплаб кўнгилсизликларнинг олдини олишда асқотяпти.

Ҳозир қишлоқда аралаш ҳамда эркин нархда савдо қиладиган дўкон, касалхона, маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишлаб турибди. Кўчаларни ободонлаштириш, жамоат бинолари қуриш каби муаммолар, асосан, ҳашар йўли билан амалга оширилмоқда. Яқинда қишлоқ оқсоқоли Қўчқор Бердиевнинг ташаббуси билан қишлоқ маҳалла ҳайрия фонди ташкил этилди. Бундан мақсад қишлоқдаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, тўй-маърака ва бошқа маросимларни ўтказишга кўмаклашишдир. Ушбу фонд ҳисобидан маҳалла рўзғори учун стол-стул, чойнак-пиёла, идиш-товоқ, қозон-ўчоқ сотиб олинди, янги чойхона қурилиб ишга туширилди. Айни пайтда яна битта касалхона қурилаяпти.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бугун ҳар биримиздан тадбиркорлик, уддабуронликни талаб қилмоқда. Энди илгаригидек «берсанг ейман, урсанг ўламан» қабилидаги кайфият билан яшаб бўлмайди. Маълумки, бугунги кунда нафақат қишлоқларимизда, балки бутун республикамизда қурилиш ашёларига бўлган эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Унинг сабаблари барчамизга маълум. Лекин бундай шароитда «бошга тушганни кўз кўрар» деган киши, эртага чув тушиб қолиши ҳеч гап эмас. Буни тушунган қишлоқдошлар тадбиркор Мусурмон Қобилов бошчилигида «Қум саралаш кичик заводи»ни ташкил этишди. Айни пайтда кичик корхона қишлоқ аҳолисини керамика ғишти, сараланган қум ва бир қанча қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотлар билан таъминламоқда. Бундан ташқари қурилиш заводларидан шартнома асосида шифер, ойна, тахта каби қурилиш ашёлари келтирилиб арзонлаштирилган нархда сотилаяпти.

Қишлоқда тўй, ҳар хил маъракa ва маросимларни ихчамлаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бермоқда. Кейинги пайтда ёшларимиз таъзияларга аралашмай қўйишганди. Ҳозир у маҳалла оқсоқоллари тамонидан қаттиқ назоратга олинаяпти. Тўғри-да, ҳар бир нарсани ёшликдан ўрганганга нима етсин.

Биз энди асосий эътиборни ёшларга қаратишимиз керак. Чунки биз солган ва солаётган пойдеворга эртами-индин ана шу ёшлар ғишт қўйишади, тиклашади. Халқда ҳикмат кўп. Унга яқинлашган, иссиқ-совуғида бирга бўлган одам ҳеч қачон кам бўлмайди.

Республикамиз ҳукумати маҳаллаларга эътибор бериб жуда тўғри қилаяпти. Бу менга худди чўлда қолган йўловчининг сувга дуч келган пайтдаги ҳолатини эслатади.

Очиқ гап, ҳозир ҳамма жойда ҳам маҳаллаларга бир хил эътибор берилаяпти, деб бўлмайди. Унга бўлган диққат-эътиборни янада оширши керак. «Маҳалла» ҳайрия жамғармасининг сўнгги пленумида республика маҳаллалар ишини мувофиқлаштирадиган марказ — қўмита тузиш ҳақида таклиф киритилган эди. Мен уни тўла қўллаб-қувватлайман. Чунки оқсоқоллар айтганидек маҳалла тинч бўлса, юрт обод ва фаровон бўлади.

Хайрулла ТУРАЕВ,
Қашқадарё вилояти.

ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЧИЛИГИ

БУХОРОЛИК КАНДАКОРЛАР

Бухорода халқ амалий санъати турлари ичида мисгарлик ва кандакорлик юксак равнақ топган. Бу ерда ота-боболаримиздан мерос сифатида қолиб келаётган мукаммал кандакорлик мактаби шаклланган, десак муболаға қилмаган бўламиз. Уста Шариф, Ҳаким Бухорий, Ғулом Ҳасанов, Мухтор Муҳсинов, Абдусалом Ҳамидов, Уста Салим Ҳамидов каби ўнлаб кандакорларни республикамиздан ташқарида ҳам яхши билишади. Улар яратган асарлар Ҳамдўстлик мамлакатларидаги санъат музейларини ҳали ҳам безаб турибди.

От ўрнини той босар деганларидек, ҳозир Бухорода кандакорларнинг янги авлоди етишиб чиқмоқда. 1967—1968 йилларда Ўзбекистон Маҳаллий саноат вазирлиги бу ерда кандакорлик мактаби ташкил қилган эди. Бухоролик ёш мисгар ва кандакорларнинг деярли ҳаммаси ана шу мактабда сабоқ олишган. Улар ҳозир ранг-баранг мавзу ва услубда ижод қилишаяпти; Маҳмуд Ғуломов ишлаган нақшлар кишини бир-бирини сира такрорламаслиги билан ҳайратга солса, Салимжон Ҳамидов ижодида ўймакорлик санъатининг нозик жилолари бўртиб туради. Миржон Аҳмедов, Умид Алиев, Шамсия Қулиева, Маҳбуба Жалилова, Раҳмат Рўзиев, Баҳром Ғофуров асарлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, айни пайтда Бухорода кўз-кўз қилса арзигулик санъат намуналари яратилмоқда. Фақат уларга ишлаш учун шарт-шароит яратиб бериш, асарларни кенг жамоатчиликка кўрсата билиш керак. Ана шунда уларни бутун дунё танийди, бухоролик кандакорларнинг аввалги шон-шуҳрати қайтадан тиклана-ди.

Олмахон ХЎЖАНИЁЗОВА.





СУРАТЛАРДА: кандакорлар ижодидан намуналар.

Суратлар муаллифники.

ИМОМ ИСМОИЛ АЛ БУХОРИЙ

ОНАНИ РОЗИ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

Мусовия ибн Ҳаййида (розияллоҳу анҳу) айтадиларки, Расулуллоҳдан: «Эй Расулуллоҳ, мен яхшилигимни кимга қилсам бўлади?» — деб сўрадим. «Онангга», — дедилар. Мен шу саволимни уч маротаба қайтарсам ҳам, Расулуллоҳ: «Онангга», — деявердилар. Тўртинчи марта сўраганимда: «Отангга ва яқин бўлган қариндошларингга», — дедилар.

ОТА-ОНАНИНГ ДУОСИ ҲАҚИДА

Абу Мурра айтадилар: «Марвон ибн ал-Ҳакам Мадинадан бирор жойга сафарга кетганида ўз ўрнига Абу Ҳурайрани қолдириб кетарди. Абу-Ҳурайра Зу-л-Ҳулайфада туриб, ўзлари бир хонада, оналари бошқа хонада яшарди. Абу Ҳурайра қачон ўз хоналаридан ташқарига чиқадиган бўлсалар, оналарининг эшиги олдига келиб салом берардилар-да: «Мени ёшлигимда тарбият қилганингиз учун сизга Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин», — дер эдилар. Оналари ҳам у кишининг саломларига жавоб қайтариб: «Катта бўлганингда менга яхшилик қилаётганинг, розилигимни олаётганинг учун сенга ҳам Аллоҳ таолонинг раҳмати бўлсин», — дер эдилар. Абу Ҳурайра ташқаридан қайтиб келганларида ҳам она-бола ўртасида шу муомала такрорланарди».

ОТА-ОНАНИНГ ДУОСИ ҲАҚИДА

Абу Ҳурайра айтдилар: Расулуллоҳ: «Уч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ таоло қошида мақбулдир: мазлум кишининг дуоси, мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг ўз фарзанди ҳақидаги дуоси», — деганлар. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинди. У киши: «Мен Расулуллоҳдан қуйидаги ҳадисларни эшитдим: «Биби Маръямнинг ўғиллари ҳазрати Исо (алайҳиссалом) билан Журайжга сўзлаган боладан бўлак ҳеч бир бола бешикдалигида гапирган эмас», — дедилар. Саҳобалар: «Э Расулуллоҳ, Журайж ва унга сўзлаган бола ким эди?» — деб сўрашганда, Расулуллоҳ ривоятни айтиб бердилар; «Журайж ўзининг ибодатхонасида ибодат билан машғул бўладиган бир роҳиб бўлиб, унинг ибодатхонаси атрофида бир подачи сигирларни ўтлатиб юрар эди. Шу ибодатхона жойлашган қишлоқда турадиган бир хотин подачи ёнига келиб-кетиб турарди. Журайж бир куни намоз ўқиб турган вақтида онаси келиб чақирди. Журайж анча хаёлга чўмди: намозида давом этаверсиними ёки уни бузиб, онасига жавоб қилсиними? У ўйланиб-ўйланиб, охири онасига жавоб қайтармади ва намозида давом этаверди. Онаси иккинчи ва учинчи мартаба чақирганда ҳам у жавоб қайтармаган: «Аллоҳ таоло сени фоҳиша хотинларга йўлиқтирсин», — деб дуойи бад қилиб, қайтиб кетди. Шундан кейин ўша подачи олдига келиб юрадиган хотин бир бола туғиб қўйди. Уни подшоҳ олдига келтириб сўроқ қилинганда: «Бу бола ибодатхонадаги роҳибдан бўлган», —деб даъво қилди. Подшоҳ: «Унинг ибодатхонасини бузиб, ўзини менинг ҳузуримга олиб келинсин», — деб буйруқ қилди. Подшоҳнинг буйруғига асосан ибодатхона бузилиб, Журайжнинг қўлини арқон билан боғлаб, подшоҳ ҳузурига келтирдилар. Уни олиб келаётганларида йўлда томоша қилиб турган фоҳиша хотинларга кўзи тушди-да, бир кулиб қўйди. Кейин подшоҳ ундан сўроқ қилиб: «Бу хотин туғилган болани сендан бўлган деб даъво қилаётибди», — деди. Журайж хотинга қараб: «Шундайми?» — деди. Хотин: «Ҳа, шундай», — деди. Шунда Журайж онанинг баҳрида турган чақалоққа қараб: «Эй бола, сенинг отанг ким?» — деб сўради. Чақалоқ тилга кириб: «Отам подачи», — деб жавоб берди ва унинг гапини ҳамма эшитди. Шу вақтда подшоҳ Журайжга узр айтиб: «Энди ибодатхонани янгидан қуриб бераміз», — деди. Журайж буни қабул қилмагач: «Бўлмаса кумушдан қурайликми?» — деди. Журайж буни ҳам қабул қилмай: «Уни аввалги ҳолига келтириб берилса кифоя», — деди. Подшоҳ: «Хўш, менга айтчи, қўлингни боғлаб олиб келаётганларида нима учун қулдинг?» — деб Журайждан сўраганда, у «Юз берган воқеани кўзим билан кўриб кулгим кистади, у ҳам бўлса онамнинг менга қилган дуойи бади эди», — деди-да, бўлган воқеани подшоҳга ва атрофидаги кишиларга ҳикоя қилиб берди.

ТАРБИЯ МАСКАНИ

Аллоҳга шукрки, юртимиз мустақил бўлиб, яна ўз миллий удумларимизга қайтдик. Бугун қайси бир маҳаллага кирманг минглаб савобли ишларнинг гувоҳи бўласиз. Шу жумладан, бизнинг маҳаллада ҳам, табиийки анча ҳайрли ишлар олиб борилмоқда.

Масалан, кам таъминланган, қарамоғида йўқ оилаларга ойига жамғармамиз ҳисобидан 4 минг сўмдан ёрдам пули бериб турибмиз. Бундан ташқари республикамизда кечаётган иқтисодий жараёнларни ҳисобга олиб тўйларни ихчамлаштириб ўтказиш режасини туздик.

Халқимизнинг «Бир болага етти қўшни ота-она бўлади» дея ҳўб топиб айтилган нақли бор. Шу маънода ёшлар тарбиясида маҳалланинг тутган ўрни беқиёсдир. Биз бу борада ҳам талайгина ишларни амалга оширяпмиз. Яқинда «Оилада аёл ҳамда болалар тарбиясида эркакларнинг тутган ўрни» ҳамда «Оилада эркак ва болалар тарбиясида аёлларнинг тутган ўрни» мавзусида ўтказилган тадбиримиз шулар жумласидандир.

Маълумки, аксарият маҳаллаларда маҳалла қўмитаси, оқсоқоллар кенгаши, аёллар кенгашлари иш олиб боради. Аммо ёшлар кенгашичи? Нима учун бундай кенгаш йўқ? Нима, маҳаллаларда ёшлар йўқми? Аксинча, маҳалла аҳлининг аксарият қисмини ёшлар ташкил қилади. Биз шу мақсадларда маҳалламиз қошида 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ёшларни жамлайдиган ёшлар кенгаши тузиш ҳаракатидамиз. Токи ёшлар орасидаги муаммоларни, мунозарали баҳсларни биргаликда ҳал қилишсин. Турли тадбирлар ва анжуманлар ўтказишсин, бир-бирлари билан яқиндан танишишсин. Ўз навбатида маҳалламиз фаоллари ҳам ёшларни иш билан таъминлашда, оилавий масалаларда қўлдан келган ёрдамларини аяшмаяпти. Биз маҳалламизда жойлашган 249-мактаб ўқитувчилари билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Маҳалла фаоллари тез-тез мактабга чиқиб, одоб-ахлоқ, таълим-тарбия мавзуида қизиқарли суҳбатлар ўтказиб туришади. Мактаб ва маҳалламиз ҳамкорлигида навоийхонлик, яссавийхонлик, ҳамзахонлик кечалари уюштирилди. Ҳозирги кунда эса мазкур мактабга номи берилган академик Обид Содиқовнинг 80 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун қизғин ҳозирлик кўрмоқдамиз. Фанларни аълога ўзлаштирадиган ўқувчилар учун маҳалла жамғармасидан пул мукофотлари ажратамиз. Маҳаллада тарбияси оғир, деб топилган болалар рўйхати бор. Биз тез-тез уларнинг уйларига бориб, ота-оналари, қўни-қўшнилари билан суҳбатлар уюштирамиз. Ҳамкорликда олиб борган ишларимизнинг самараси бўлса керак, шу йил давомида ўқувчилар томонидан бирорта ҳам жиноят содир этилмади.

Бола тарбиясида маҳалланинг тутган ўрни, деганда фақатгина маҳалла қўмитасининг ишини тушунмаслик керак. Маҳалламиздаги ҳар бир бола тақдирига ҳар биримиз масъул эканлигимизни доимо ҳис қилмоғимиз лозим.

Сандиаби Ҳожи САИДКАРИМ ўғли,
«Беруний» маҳалласи раиси, Тошкент шаҳри.

Хайрия тадбирлари кўпаяди

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ хайрия жамғармаси ҳисобидаги кичик корхона, фирма ва дўконлар давлат солиғидан озод этилган эди. Бу тадбир шундай фирма ва корхоналар сони кўпайишига хизмат қилмоқда. Ҳозир Наманган вилоятида уларнинг сони ўттизтага етди. «Элемент», «Зийнат», «Барно» ва «Дурадгор» корхоналари ана шулар жумласидандир. Бу жамғармада аёллар этиги, пайпоқ, уй-рўзғор буюмлари ҳамда автомобил мой тозалагичлари тайёрланаяпти. Характерли томони шундаки, тайёрланган маҳсулотлар бежиримлилиги, чидамлилиги билан харидорларга маъқул бўлмоқда.

Табиийки, корхоналар ишлаб чиқаришдан тушган фойданинг маълум қисмини жойлардаги «Маҳалла» хайрия-жамғармаси ҳисобига ўтказмоқдалар. Жамғарма бойиган сари хайрия тадбирлари ҳам кўпаяди.

Ўз мухбиримиз.

● ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

ХУДБИНЛИКНИ ЕНГИШ— БУЮК ҒАЛАБА

Ҳар куни турли-туман муаммоларга дуч келамиз. Уларни ҳал этиш кишининг маънавий ва маданий етуклигига, ҳаётдан олган сабоқлари, билими ва тажрибасига боғлиқ. Бировда маданиятлилик, шахсий манфаатдан кўра жамият манфаатини афзал кўриш, фидойилик туйғулари устиворлик бўлса, бошқа одамда шахсиятпарастлик, ибтидоий худбинлик ҳиссиётлари устунлик қилади.

Олайлик, ибтидоий худбинлик хусусиятлари кўп минг йиллар давомида аждодларимиздан ўтиб келаётган, ғор одамларига хос бўлган ҳиссиётлар бўлиб, улар танамиз ҳужайраларининг ирсий тузилмаларида мустаҳкам жойлашиб олган.

Таниқли олмон файласуфи Иммануил Кант худбин одамларни уч тоифага ажратган.

Биринчи тоифага ахлоқий-маънавий худбинлар киради. Уларнинг фикри-хаёли фақат ўзининг шахсий манфаатдорлигига қаратилган. Мавжуд бўлган ҳар бир имкониятдан мақсади йўлида фойдаланади, агар юқори лавозимда бўлса мансабини суиистеъмол қилади. Виждон, бурч, меҳр-шафқат, жамият манфаати, ватанпарварлик каби инсоний туйғулар бундай кимсалардан йироқ бўлади. Ўзининг косасидаги таомга қаращдан олдин қўшнисининг косасига назар ташлайди, «уники гўштлироқ эмасмикин?» деган фикрни хаёлидан ўтказади. Ёнида бошқа биров қийналиб яшаётгани худбиннинг парвосига ҳам келмайди.

Иккинчи тоифага мантиқий худбинлар киради. Бундайлар жамиятда содир бўлаётган воқеаларни фақат ўз манфаатидан келиб чиқиб баҳолайди. Эл-юрт, жамоатчилик фикрини тан олмайди, тўғри фикр билдирувчи одамларни ёқтирмайди, уларни иложи борича қоралашга ҳаракат қилади. Агар мансаб даражаси имкон берса, ўзидан кўра билимли, иқтидорли, мустақил фикрлайдиган одамларни лавозимидан четлатиб, бадном қилишга ҳаракат қилади.

Учинчи тоифага эстетик худбинлар киради. Бундайлар атроф-муҳит, меъморчилик, санъат, либос ва жамийки борлиқни ўз диди билан баҳолайди, бошқаларнинг дидини назар-писанд қилмайди. Эстетик худбин кўзи ожиз одамдек атроф-муҳитнинг ҳақиқий тасвирини ҳис эта олмайди.

Худбинликнинг яна бир кўринниши намойишкорона феъл-атвордир. Бундай худбин доимо ижтимоий ҳаётнинг юқори поғоналарида туришга, атрофдагилар эътиборини ўзига жалб қилишга ҳаракат қилади. У жуда айёрлик билан юқори мансабдагиларга ўзини камтар, хушмуомала, ишчан, маданиятли қилиб кўрсатади. Аммо ўзидан пастроқ вазифадагиларга нисбатан эса қўпол, шафқатсиз, бағритош бўлади.

Маълумки, жамият тараққиётида ҳал қилувчи куч —одам. Одам феъл-атворидаги хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда раҳбарлик лавозимларига мукаммал сифатларга эга бўлган шахслар тавсия этилгани маъқул бўлар эди. Қадим замонларда одам, унинг ақл-идроки, билими, феъл-атвори жамики борлиқнинг ўлчови бўлган. Эрамиздан илгари яшаган юнон мутафаккири Диоген кундузи чироқ ёқиб кўчаларни кезиб юрар экан. Нега бундай қилишини сўраганларида «Одам ахтараяпман», деб жавоб қиларкан.

Раҳбарнинг ҳамма сифатлари ичида энг муҳими ва қадрлиси ҳар қандай мураккаб ҳолатда ҳам ўзининг шахсий манфаатидан жамият манфаатини устун қўя олишида, фидойилигидадир. Таниқли Рим олими Аурело Печчи ўзининг «Васиятнома» китобида «Инсоният тақдири учун энг муҳими — инсонийлик сифати», деб таъкидлаган.

XVII асрда яшаган фаранг мутафаккири Жан де Лабрюрер. «Ўзинг лойиқ бўлган лавозимни олдмасликдан кўра, ўзинг лойиқ бўлмаган лавозимни эгаллаш уятлидир», деб ёзганди. Саъдий Шерозийнинг ушбу мисралари, балки шундайларга қаратилгандир:

Дона учун амал бир тўн,
Бугун ёки эрта ечилур.
Нодонга-чи, гўё у устун,
Шунинг бирла умр кечирур.

«Худбинлик устидан қозонилган ғалаба энг шарафли ғалабадир», — деган эди буюк мутафаккирлардан бири II. Бауст. Аммо ҳеч қандай иқилоб, шиор қисқа давр мобайнида одам руҳиятидаги аждодлардан ўтиб келаётган ибтидоий худбинликни бутунлай йўқотиб, инсонни бир зумда маънавий юксакликка олиб чиқолмайди. Қолаверса, жамиятнинг иқтисодий равнақи ҳам бу вазифани осонгина ҳал этолмайди.

Фақат иймон-эътиқод, меҳр-оқибат, инсоф-диёнат, фидойилик, ватанпарварлик бурчи каби ҳис-туйғуларни қарор топтиришга қаратилган таълим-тарбия, тартиб-интизом, қонунчилик каби чора-тадбирларгина одамни маънавий юксалтириб, унинг ўз руҳиятидаги ибтидоий худбинлик қусурларига барҳам беришга ундаши мумкин. Инсоннинг билими ва маданий савияси қанчалик юксалган бўлса, у ўзининг хатти-ҳаракатларини шунчалик тўғри бошқара олади, яъни у ўз иллатларига шунчалик тўлароқ барҳам бера олади.

Ҳақиқий билимли одам ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлиши билан биргаликда маънавий ва маданий жиҳатдан камол топган бўлмоғи лозим. Маълумки, одамнинг бу сифатлари уч манбада шаклланади: оилада, мактабда (ўрта ва олий), меҳнат жамоасида. Бу манбаларнинг ҳаммасида ёш болаликдан то кексайгунча билимни такомиллаштира бориш заминида тарбия-устоз турса, иккинчидан, ҳар бир одамнинг шахсан ўзининг мустақил, тинимсиз, машаққатли меҳнати, мутолаа қилиши туради. Баъзилар ўзлари танлаган соҳада мутахассис бўлиши билан чекланиб, ижтимоий-маданий ҳаётнинг бошқа соҳалари, дейлик адабиёт, санъат, фалсафа, табиатшунослик каби инсоннинг ахлоқий-маънавий жиҳатдан юксалишига замин яратадиган фанлар бўйича тафаккурларини бойитишга эътибор бермайдилар. Бундай кишиларда фикрлаш доирасининг торлиги имконият туғилиши биланоқ ибтидоий худбинлик ҳиссиётининг авж олишига сабаб бўлади.

Ҳорижий мутафаккирлардан бири Ф. Гиббель «Ҳаёт — бетўхтов камолотдир, камолотга етдим, дейиш ўз-ўзини маҳв этмакликдир», деган экан.

Қадим замонларда одамлар ўзлари яшаётган жамиятда қабул қилинган маълум тартиб-интизом, қонунчилик ва ахлоқ қоидаларини ўзлаштирганлар ва бажарганлар. Уларнинг феъл-атвори болалик давридан бошлабоқ жамиятда қабул қилинган ана шу қонун-қоидалар асосида шакллантирилган. Бу **«Ахлоқнинг олтин қоидалари»** дейилган. Уларга итоат қилиш, уларни бажариш барча фуқаролар, мансабдорлар, ҳатто подшоҳлар учун ҳам шарт бўлган.

«Ахлоқнинг олтин қоидалари»га риоя қилган одам ўзига маъқул бўлмаган нарсани бошқаларга ҳам маъқул кўрмайди. Энг қийин ва мураккаб шароитда ҳам бошқаларнинг зарари эвазига шахсий манфаатдор бўлишни ўзига раво кўрмайди. У даврларда виждонлилик, ҳалоллик одамлар онгига Қуръон, Оллоҳга ишонч, охиратда дўзах азобига дуч келиш туйғулари орқали сингдирилган. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Қаллоблик қилган киши жазодан вақтинча қутулиб қолиши мумкин, аммо ҳар бир қилмишимиз учун охиратда жавоб берамиз. Бугун ҳаром йўл билан бойлик орттирганлар билиб қўйсин, улар қонун олдидаги жавобгарликдан бир бало қилиб қутулиб қолишса ҳам, бу бир кунмас бир кун муқаррар тешиб чиқади», деган кенг маъноли сўзлари юқорида айтилган «Ахлоқнинг олтин қоидалари»га амал қилишга даъват этади.

Ҳар қандай жамият энг аввало унда яшаётган, меҳнат қилаётган, ҳаётнинг заҳматлари-ю, қувончларини баҳам кўраётган одамларнинг руҳий бирлигини акс эттирмоғи лозим. Агар одамларнинг руҳий бирлиги бўлмаса, улар бир-бировларига нисбатан андиша, меҳр-оқибат, инсоф-диёнат, мурувват каби инсоний қадриятларни ҳис этмасалар, улар руҳиятидаги шахсиятпарастликка қаратилган ибтидоий худбинлик туйғулари устунлик қилса, бундай жамият руҳий, маънавий носоғлом ҳисобланади.

Модомики, шундай экан, мустақилликка эришган Ватанимиз равнақ топиши учун Президентимиз раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумати олиб бораётган ҳайрли ва улуғ ишларга ҳайрихоҳ бўлиш билан биргаликда ҳар биримиз ижтимоий ҳаётнинг қайси соҳасида фаолият кўрсатишимиздан қатъий назар, умуминсоний ахлоқ ва виждон билан ҳозирги дамда келажак авлод олдида масъулият ва бурч ҳис этган ҳолда меҳнат қилмоғимиз лозим.

Баҳодир АМИНОВ,
Қарши давлат университети профессори, тиббиёт фанлари доктори.

Самарқанд вилоят ижодкор болалар ва ўсмирлар саройи қошида гимназия очилган эди. Унга олти—етти ёшдаги болалар қабул қилинади. Ҳозир улар учта синфга бўлиниб, одатдаги дарслардан ташқари инглиз тили, информатика, тасвирий санъат, мусиқа, эстетика алифбосидан ҳам сабоқ олишаяпти.

СУРАТЛАРДА: муаллима Н. Ким; машғулот пайти.

Д. ҒАФУРОВ тасвири.

ХЎЖАНД ХАБАРЛАРИ

ТОШКЕНТ ТАЖРИБАСИ АСОСИДА

Вақти келиб, «Эрам»нинг шуҳрати худди афсонавий Эрамники каби дунё бўйлаб ёйилганида тошкентликлар ҳам қувонишга минг карра ҳақли бўладилар.

Янги йилдан бошлаб Конибодомдаги собиқ «Ленинград» жамоа хўжалигининг номи ҳужжатларда ўз аксини топмайди. Чунки 1994 йил арафасида унинг ўрнини «Эрам» ҳиссадорлик жамияти эгаллади. Бу жамиятни барпо этишда Тошкент вилоятидаги Ким Пен Хва номли халқ корпорациясининг тажрибаси асос қилиб олинди.

«Эрам»нинг умумий йиғилишида Тошкентдаги корпорация президенти Турғунбой Мадиёров ҳам қатнашди.

«Эрам»нинг дастлабки қадамларидан бири янги телефон станцияси ишга туширилди. 500 нуқтали бу қулай алоқа усули кўпчилик узоғини яқин қилаётир.

ЎЧОҚЛАРДА ЎТ ЎЧМАЙДИ

Халқнинг яхши дуоларидан бири: «Ўчоғингизда сира ўт ўчмасин». Афсуски, кейинги пайтларда ёқилғи топиш муаммоси ташвиши кириб бормаётган хонадон камдан-кам қолмоқда. Шўробдаги «Ленинободкўмир» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси аҳолининг ёқилғига бўлган эҳтиёжини бир қадар бўлса-да қондириш чораларини излаётир. Бирлашмада бир кеча-кундузда 500 тонна кўмир қазиш имконига эга механизмлар мажмуаси ишга туширилди. Яна шундай иккинчи механизмни фойдаланишга топшириш устида иш олиб борилмоқда.

Бирлашмага қарашли учта конда меҳнат қилаётган 3200 нафар кончи янги йилда 309 минг тонна кўмир қазишга аҳд қилишган. Бу эзгу мақсадга эришиш йўлида Россия, Ўзбекистон ва Туркманистондаги корхоналар билан шартномалар тузилди. Шу мамлакатлардан Шўробдаги конларда ишлатиш учун ёғоч-тахта, металл, цемент, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари келтирилади.

Ўринбой УСМОН,

ИМТИЁЗЛИ СТИПЕНДИЯ ОЛАЯПМИЗ

Республикамиз Президентининг кўплар қатори, олий ўқув юртлари талабалари ва техникумлар, ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини ижтимоий томондан ҳимоялашга қаратилган фармони, ёшларимизнинг масъулиятини янада ошириб юборди. Яъни, ушбу ғамхўрликларга биз аъло ўқишимиз билан жавоб бермоғимиз лозимлигини чуқур англаб етаяпмиз.

Мен аълочи курсдошларим Дилшода Акрамова, Йўлдош Нарзиев, Феруза Ғаффорова, Абдулло Мамадиёровлар қатори, ҳар ойда 20 минг сўмга яқин имтиёзли стипендия олмоқдаман. Шу билан бирга, талабаларнинг ошхона ва буфетлардаги тушликлари учун 10000 сўмдан ёрдам пули берилиши бизга давлатимиз ғамхўрлигининг яна бир ифодаси, деб биламан.

Нодира ХОЛОВА,
Ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институти даволаш куллиётининг III курс талабаси.

КИМНИНГ ҚАЙСИ НАШРГА ЁЗИЛИШИ ТАЗЙИҚСИЗ, ЭРКИН ҲАЛ ЭТИЛДИ

Қарши шаҳрида «Халқ сўзи» рўзномасига обуна, айниқса, уюшқоқлик билан ўтказилди. Шаҳар жамоатчилиги жорий йилнинг январь ойидан бошлаб 1027 нухса «Халқ сўзи» газетасини ола бошлади.

Обуна мавсумини ўтказишда шаҳар ҳокимлиги фаоллари алоҳида ўрнак кўрсатишди. Мухбиримиз шаҳар ҳокими, вилоят кенгаши депутати Музаффар МАҲМУДОВ билан ана шу ҳақда суҳбатлашди.

— Илгари партия ташкилотлари обуна мавсумини катта воқеа сифатида ташкил этар, ҳар бир жамоага кимнинг, қайси нашрга обуна бўлиши белгилаб борларди. Бу гал қандай йўл тутилади?

— Шуни ҳам айтиш лозимки, илгари обуна мавсуми 3—4 ой давом этар, партия ташкилотларининг фаолияти фақат ана шу мавсумни муваффақиятли ўтказишга қаратиларди. Бу йил обуна 45 кун давом этди, холос. Кимнинг қайси нашрга обуна бўлиши эркин ҳал қилинди. Обуна пайтида шаҳар ҳокимлиги ҳам, Халқ демократик партияси ҳам ўз иши билан машғул бўлди — аралашишга, тазйиқ ўтказишга йўл қўйилмади. Фақат обуна бошланиши олдидан ташкилот ва муассасалар, корхоналар, маҳаллаларнинг фаолларига эслатиб қўйилди. Ҳар бир ташкилотда обунага кўмаклашувчи фаоллар белгиланди. Жамоаларда улар орқали обуна уюштирилди.

— «Халқ сўзи» рўзномасига кўп ёзилганликларининг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

— Очиқ гап, ҳеч ким у ёки бу газетага обуна бўл, деб даъват этган эмас. Кўпчилик газетхонлар «Халқ сўзи»ни маъқул кўрди... Ўтган йили унга шаҳар бўйича 590 киши ёзилган эди. Қизиғи шундаки, бу йил унинг баҳоси бир неча баравар қимматлашиб кетганлигига қарамай, обуначилар ўтган йилдагига нисбатан икки баравар кўпайди.

«Халқ сўзи» обуна бўйича биринчи ўринга кўтарилишининг сабаби газетада кейинги пайтларда ўзбекона урф—одат, маҳаллалар ҳаёти, бир сўз билан айтганда миллий маданият ҳамда маънавиятимизга оид чиқишларнинг халқ қалбидан жой олаётганидир.

— Қайси жамоаларда иш намунали ташкил этилди, қандай тажрибаларга таянилди?

— Абдулла Тўйчиев етакчилик қилаётган Қарши темир йўл бўлими, «Қаршистройиндустия» бирлашмаси, сут комбинати, Қарши давлат университети жамоаларида обуна, айниқса уюшқоқлик билан ўтказилди.

Иқтисодий қийинчиликлар пайтида газетага ёзилиш осон эмас. Лекин ўқишни, кундалик янгиликлар, воқеалардан хабардор бўлишни хоҳловчилар, маънавиятдан бахраманд бўлишни истаганлар кўпчилик. Қолаверса, кам таъминланган оилалар ташкилот ва корхоналар ҳисобидан обуна қилинди. Шаҳар бўйича мингга яқин фахрийлар, кам таъминланган оилалар, ёлғиз қариялар 1994 йил давомида газета ва журнални текин ўқиш имконига эга бўлдилар. Мактабда узоқ йиллар ишлаб, умрини ёшлар тарбиясига бағишлаган Матлуба Шойқулова, Ефрасинья Хорошилова, Аҳмад Йўлатов каби фахрийлар ана шулар жумласидандир.

Обуна мавсумий иш эмас. У йил бўйи давом этади. Энди шаҳарликлар 1994 йилнинг ўн бир ва ўн ойи учун обуна бўлишаяпти.

П. ГАДОЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

◆ ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ПОЛЬЯКЧА ТУНАШ

Белоруснинг Гродно шаҳрилик икки нафар талаба қиз хорижга боришиб, чой ичиш у томонда ҳам ниҳоятда «қиммат»га тушишига ишонч ҳосил қилишди.

Улар қўшни Польшанинг Белосток шаҳрида «бир дунё» буюм ва маҳаллий пул олишди-ю, бироқ... эҳтиёткорликни унутиб қўйишди. Қизлар шаҳарнинг турли-туман воқеаларга бой бўлган «Мадро» бозорида бир неча нафар ёш йигитлар билан танишгач «бир пиёла чой ичиш учун» қилинган таклифга бажонидил рози бўлишади. Бир пиёла чойдан сўнг ухлаб қолишди. Уйқудан уйғонишгач эса ёнларида бўлган 400 АҚШ доллари, ярим миллион злотих ва тилла тақинчоқларини излаб топишолмади...

Польша полициясининг таъкидлашича, уйқу дориси ёрдамида «тунаш» поляк ўғриларининг энг кенг тарқалган усулларидан ҳисобланар экан. Белостокда рўй берган юқоридаги воқеа эса маҳаллий полициянинг ҳисоби бўйича, ишонувчан «шарқ аёллари» иштирокидаги учинчисидир.

● *Спорт, спорт, спорт.*

Бундеслиганинг «Хитой девори» бузилди

ГЕРМАНИЯ бундеслигасида футболчи тўғридан тўғри бош мураббийликка ўтиши мумкин эмас. Гарчи у моҳир футболчи бўлсада, барибир махсус лицензияга эга ёки Кёльндаги мураббийлар академиясини тугаллаган бўлиши керак. Машҳур футболчи Франц Беккенбауэр эса бундай жараённи четлаб ўтган ҳолда Мюнхеннинг «Бавария» клубига бош мураббий этиб тайинланди. Маълум бўлишича, Беккенбауэр устозлигида Германия терма жамоаси 1990 йилда жаҳон чемпионлигини қўлга киритгач, унга фахрий лицензия топширилган экан. Франц Беккенбауэр аввал футболчи, сўнг мураббий сифатида жаҳон чемпионлигини қўлга киритган ягона кишидир.

«ШИФОКОР» «САРБОЗ» БЎЛДИ

КИМНИНГ арғамчасига тушсанг шунинг қўшиғини айтасан, дейишади. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими ўрнига «Сарбоз» фирмаси ҳомий бўлгач, Гулистоннинг «Шифокор» футбол жамоаси ҳам янги мавсумни янгича ном билан бошлайдиган бўлди. Эндиликда у «Сарбоз» номи остида майдонга тушади. Ўтган йили сўнгги ўринлардан бирини эгаллаб олий табақа жамоалари беллашувларида иштирок этиш ҳуқуқини зўрға сақлаб қолган клубдаги ўзгариш шугина эмас. «Сарбоз»га янги бош мураббий бўлиб олдин Андижоннинг «Наврўз» жамоасида тренерлик қилган В. Жуковский келди. Тренер «Сарбоз» жамоаси таркибида туб ўзгаришлар қилмоқчи. Хуллас, «Шифокор» 1994 йилги мавсумни янги ном, янги мураббий ва ўйинчилар билан бошлайди.

А. ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ХОТИНИГА... УЙЛАНДИ

АВВАЛГИ спорт шарҳларимизнинг бирида машҳур футболчи Марко ван Бастеннинг ўз хотинига «уйланганлигини», яъни икки фарзандли бўлишгандан сўнг никоҳдан ўтишганлигини хабар қилган эдик. Европада бу одат русмга айланаётган кўринади. Жаҳоннинг яна бир машҳур футболчиси Лотар Маттеус ҳам қайлиғи билан узоқ муддатли бирга бўлишдан сўнг никоҳдан ўтди. Никоҳ тўйида уларнинг бир ярим ёшли ўғли Лорис ҳам иштирок этди. Моҳир немис футболчисининг рафиқаси Швейцариянинг собиқ гўзали — Лолита Моренадир.

Расул ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БУХОРОДА ХОККЕЙ ЎЙИНГОҲИ

Бухоронинг «Гулистон» сайёҳлар мажмуи қошида «Ситора» хоккейчи қизлар жамоаси учун чиройли ўйингоҳ барпо этилмоқда. Олмониядан майдонга тўшаладиган сунъий қоплама «Полиграс» сотиб олинди. У ердан келган мутахассис ишга киришиб кетди.

Мутахассислар бундай майдонда халқаро ўйинларни ҳам бемалол ўтказиш мумкин дейишмоқда. Ким билади, вақти келиб, Ҳиндистон, Покистон ва Австралия жамоалари Бухорода ўйин кўрсатишар?..

М. ТЎХТАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Нақдинасиз сўм-купонларга!

31 январгача сотилади

– SONY2965 телевизори (72см)
– Телевизор тагига қўйиладиган SONY тумбочкаси
– SONY SLV-X57 видеоматнитофони (4 бош, 4 сист., шатл, автотрек)
– SONY FH-B500 музика маркази (лазер диск)
– Икки кассеталик SONY (ревере)
– SONY 270 видеокамераси (8 мм)
– Panasonic CD-10 видеомагнитофони (3 бош)
– Panasonic M3000 видеокамераси

харидингизга қўшимча текин SONY видеокассетаси

Телефонлар: 29-71-55,91-00-58,76-84-77

"Дубай трэйд"

SONY сифатлилиги - оилангиз учун

Ўзбекистон Телерадиокомпаниясининг республика радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйи жамоаси компаниянинг раиси Шавкат Яҳёевга сингиллари **Ҳамидахон ЯҲЁЕВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси «Фан» нашриёти жамоаси нашриёт ходимлари Қ. Парпиева ва Ю. Парпиевага волидан муҳтарамалари **ОРТИҚ аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

● ТЕЛЕФОНЛАР:
маълумот учун 33-07-48;
эълонлар бўлими 32-09-25.
Индекс: 64608.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ, Эсиргап БОЛИЕВ (масъул котиб, «Халқ сўзи»), Эркин ВОҲИДОВ, Миракмал МИРАЛИМОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Халқ сўзи»), Лев ПАК (бош муҳаррир ўринбосари, «Народное слово»), Людмила ПОРФИРЬЕВА, Қулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, (масъул котиб, «Народное слово»), Шавкат ЯҲЁЕВ, Примқул ҚОДИРОВ, Муҳаммаджон ҚОРАБОЕВ, Саидахрор ҒУЛОМОВ.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир Ж. Сафоев, навбатчи Ғ. Эшмуродов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001. Буюртма Г — 754.441. 77698 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А — 2. Босишга топшириш вақти — 21.00

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6 Босишга топширилди 22.30